

## **ЭШИТИШДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА КИТОБХОНЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КОРРЕКЦИОН- ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ**

*Азимова Дилноза Шерзодовна*

*Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Эшитишида нуқсони бўлган болаларда китобхонлик компетенциясини шакллантиришда ахборот кутубхона марказларининг ўрни. Кутубхона муассасаларида имконияти чекланган китобхонларга хизмат кўрсатиш муаммо сифатида ҳамда уни бартараф этиш йўллари келтириб ўтилган. Кутубхона фаолияти орқали болалларни китоб билан таништириш ҳамда уларнинг китобхонлик компетенциясини шакллантириш моделлари тахлил этилади.

**Калит сўзлар :** Заиф эшитувчи бола, кутубхона, китобхонлик, муаммо, асар, китобхонлик компетенцияси, саводхонлик даражаси, маънавий иммунитет, фикрлаш ва хотира, “инклузив ўқув-зал”, имо-ишора тили.

Бир қатор сабабларга кўра кўпчилик кутубхоналарда заиф эшитувчи шахсларга хизмат кўрсатишга жиддий эътибор берилмайди. Эшитишида нуқсон борлик жамиятда, "кўринмас ногиронлик" билан боғлиқ, чунки заиф эшитувчи одамлар тасодифий кузатув натижасида “кар” деб тан олинмайди ва улар соғлом деб қаралган катта жамоага қўшилиб кетади. Бундан ташқари, туғилишдан ёки эрта ёшдан эшитишида нуқсони бўлган инсонлар кўпинча ўқишида қийинчиликларга дуч келишади ва китобхонлик компетенцияларининг етарли эмаслиги бунинг оқибатида кутубхоналардан фойдаланмаслик тенденциясига эга. Бироқ, кутубхоналар хизматлари заиф эшитувчилар учун очиқ бўлишини ва улар кутубхоналар кўрсатиши мумкин бўлган хизматлардан хабардор бўлишини таъминлашга масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таълим, илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш юзасидан қатор вазифаларни белгилаб берди. Булар қаторида ўқувчи-ёшларнинг бадиий, илмий, тарихий адабиётларни ўқишига бўлган қизиқишиларини шакллантириш борасидаги қўйидаги фикрларини келтириш мумкин: «Хозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиши вазифаси турибди»[1].

Шунингдек, адабиётшунос Сафо Матжонов таъкидлаганидек, «Илмий асарлар ғафлат ва жаҳолатдан қутқарса, бадиий асарлар дагаллик ва разолатдан халос этади. Униси ҳам, буниси ҳам кишиларнинг маърифатли, баҳт-саодатли бўлиши учун баб-баравар фойдали ва зарурдир»[1]

Кутубхона фаолияти орқали болаларни китоб билан таништириш, уларнинг китобхонлик компетенциясини ошириш болалар саломатлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Аммо эшитишда нуқсони бор болалар учун тўсиқларни бартараф этишининг муҳим ижтимоий муаммоси мавжуддир.

**Моделни ишлаб чиқишининг долзарблиги** шундаки, эшитишда нуқсони бор инсонларга хизмат қўрсатишнинг улар билан мулоқот ўрнатиш кўпинча қўшимча куч, билим, сабр ва (мавжуд бўлса) технологик воситаларни талаб қиласи. Эшитишда нуқсони бор китобхонларнинг ахборот ва бўш вақтга бўлган эҳтиёжларини яъни китобхонлик компетенцияларини максимал

даражада ривожлантириш болалар саломатлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

- Замонавий кутубхоналарга мос равища инклузив жамият вакиллари учун ўқув заллари йўқлиги;
- кутубхона ўқув заллари эшитища нуқсони бор китобхонлар учун тушунарли белги, расмлар билан жиҳозланмаганлиги;

Бунда, молиявий жиҳатдан имконият камлиги сабабли замонавий кутубхоналарни зарур техник воситалар билан жиҳозлашнинг етишмаслиги ёки етарли эмаслиги сабабли заиф эшитувчи инсонларнинг маълумотлардан фойдаланиш муаммоси билан олдиндан белгилаб қўйилган.

Юқоридаги муаммолардан келиб чиқиб фаолият олиб борувчи ахборот кутубхона муассасаларининг эшитища нуқсони бор китобхонлар учун хизмат кўрсатиш самарадорлигини ҳамда сифатини оширишмақсадида тегишли йўл-йўриқлар таклиф этилади. Жумладан:

- Ахборот кутубхона маркази ичida “инклузив ўқув зал” ташкил этиши, шунингдек эшитища нуқсони бор шахсларни китобхонлик компетенцияларини тизимли шакллантириши;***

Шаҳримиз кутубхоналари ичida “инклузив ўқув зал” ташкил этиб, юқорида таъкидлаб, таъриф бериб ўтилганидек имконияти чекланган китобхонлар сафини янада кенгайтириш ҳамда уларнинг китобхонлик компетенциясини шакллаштиришда “йўл харитаси” сифатида йил давомида режаланган махсус тадбирлар, учрашувлар, китоблар кўргазмалари орқали давомли таништириб боришни назарда тутади.

Зоро, китобнинг инсон ҳаёти, кишилик жамияти маънавий тараққиётидаги бекиёс ўрни қадимдан маълум. У дунёни таниш, билим бериш билан бирга гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ундан завқланиш, ёвузиликдан нафратланиш туйғусини ривожлантиради. Китоб ўқувчига дунёни англа билишда кўмак бериш билан бир қаторда унинг илмий дунёқарашини

шакллантиради, ижобий характерни таркиб топтиради, ҳаёт ва турмуш зиддиятларини қандай қилиб ечиш йўлларини ўргатади. Бу хислатларни эгаллаб олган ҳар бир ўқувчи юксак маънавиятли шахс бўлиб камолга етади[2].

Педагог ва кутубхоначиларнинг ёшларни китобхонлик компетенциясини шакллантириш одатда қуйидаги йўналишларда тизимли амалга оширилади:

- 1) Шаклланиб бўлган китобхонлик компетенцияси – уларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда такомиллаштириш;
- 2) Шаклланиб бўлмаган янги китобхонлик компетенцияларини ўйфотиши, ўзлаштиришга кўмаклашиш ҳамда мустаҳкамлаш;
- 3) Шаклланиб бўлган лекин ҳоҳиши бўлмаган китобхонлик компетенцияларига қарама-қарши янада қизиқарли компетенцияларга алмаштириш ёки уларни ўрнига янги компетенцияларни яратиш, қайта тарбиялаш ва уни ўзлаштиришдан иборат.

*- аҳолининг ушибу тоифасини улар учун адабиёт олами билан боғловчи ва ахборот олишининг энг муҳим нуқтаси бўлган кутубхона билан таништириши;*

Ахборот кутубхона муассасаларида маҳсус мактаб ўқувчилари га керакли ахборотларни етказиб берувчи нашрлар жамланади, сақланади, китобхонларга етказиб берилади ва тарғиб килинади. Демак, мутолаа олами билан боғловчи - кутубхона маҳсус мактабларда дарсларнинг сифатли ва самарали ўтилишига, ўзлаштирилишига мураббий, кутубхоначи ва ёшларни мустақил билим олишига, ўқишига катта таъсир кўрсатади. Кутубхонадаги ёшларнинг талаб ва эҳтиёжига, қизикишига мосланган китоб фонди жамланиб, керакли ва зарур манба ҳамда ахборотларни тез, осон етказиб бериш йўллари, усул ва воситаларини маҳсус мактаб ўқувчилари га таништириш тадқиқотда кўзланган мақсадга эришиш кафолатидир.

Ахборот манбаи бўлмиш кутубхона мустакил холда қизиқтирган соҳа бўйича китобларни танлаш ва китобдан ўзига керакли маълумотни олиш йўлларини, ўқилган манбалари устида фикр юритиш ва унга ўз муносабатини билдиришни, шу билан бирга китобларни тартибли равища мутолаа қилишни ўргатувчи муассасадир. Кутубхоналар ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш орқали эшитишда нуқсони бор болаларнинг дунёқарашини такомиллаштириши, уларни хаётни тўғри тасаввур этишга, сиёsatда, фан-техникада, бадиий ижодиётда, барча амалий фаолиятда ишончли йўл кўрсатувчи, маслаҳат берувчилик вазифасини бажариши керак. Инсонни дунёқарашини шаклланишида турли билим соҳаларини ўзлаштирганлик алоҳида аҳамиятга эга. Турли билим соҳаларидан хабардор бўлиши китобхонни табиатга ва атроф – муҳитга, ўзи яшаётган жамиятга. одамларга ва бошқаларга ижобий муносабатни шакллантиради. Шахсни ҳар томонлама камол топиши унинг маънавий камолотга бориб тақалади. Инсонни турли соҳалардан: техника, сиёsat, табиатшунослик, санъат ва бошқа соҳалардан маълум бир билимларга эга бўлиши уни маънавий тараққий этишига асос бўлади. Эшитишда нуқсони бор болаларнинг ҳар томонлама камол топиши бу - китоб ўқиши жараёнида ахборотни ўзлаштириши асосида ривожланиб боради[3].

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартибинизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. -47-б.
2. Матжонов С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар (ўқититувчи учун методик қўлланма.). – Т.: «Ўқитувчи», 1996. -37-б.
3. Ахборот-кутубхона хизмати: Назарияси ва методикаси/ Тошкент-2007